







Тавба - тазарру

ПРЕЗИДЕНТИМИЗДАН, ХАЛҚИМИЗДАН КЕЧИРИМ СЎРАЙМИЗ

Ота-она борки, хамиша фарзанднинг бахту тахтини ўйлайди. Тўй олдида келин ёки куёв бўлмишининг насл насаби, касб-кори, кўни-кўшилар ўртасидаги обрў-этибори синчиклаб сўраб суриштирилади. Бу бежиз эмас. Ахир ҳаёт мураккаб, умр савдоси оғир савдодир.

Отадан ҳеч вақт ўтгани йўқ. Қанчадан-қанча ёшлар гуноҳларини бўйниларига олиб, тегишли органларга келмокдалар.

ҚАЛБИМ ИЗТИРОБДА

Исломи дини—муқаддас дин. У ҳар бир мусулмонни эзгуликка чорлайди. Номоз ўқиби, ўзимга ортиқча бино қўйиб юборган эканман. Пок динимиздан гаразли мақсадларда фойдаланувчилар пайдо бўлиб қолган экан. Улар хоржидан юртимизга кириб келган турли хил бузғинчи оқимлар, мутаассиб ақидапарастлар эканлигини, афсуски, кеч тушундим.

Мухаммаджон ТУРБОБОВ, Паркент тумани.

Тожибой ХИДОЯТОВ, Тошкент шаҳри.

Мирза ХАМДАМ, «Ишонч»нинг махсус мухбири.

ЖАР ҲАҚИДА ЭДИМ...

Диний ақидапарастлар таъсирига тушиб, жар ёқасига бориб қолганимда кўзим очилди. Ватан олдида, Президентимиз олдида айбдориман. Юрагимдаги гап, бундай бўлишини сира ўйламагандим. Фанимлар ниҳоятда маккор экан. Улар мени авраб, ихтиёримни ўғир-

Изтироб тўла сўзларни тинглар эканмиз, уларни йўлдан тейдирган ва ҳамон панада пайт пойлаб ётган манфур кимсаларга нисбатан беихтиёр ўзимизда битмас-туганмас нафрат туямиз. Ҳа, юртни севмоқ ва севилагоқ - энг олий бахт. Ўз Ватани ва халқига қарши боришиқдан худо асрасин! Бундан ортиқ бахтсизлик йўқ.

Уйлаймизки, пушаймонлик ила қилинган тавба-тазаррулар йўлдан тойган, қисматини шум ниятли кимсалар кўлига топшириб қўйган баъзи ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун катта сабоқдир.

Ҳаётнинг кенг, ёруғ кўчаларида ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан ҳадиксирамай, ёруғ юз билан юришга нима етсин!

КЎЗИМ ОЧИЛДИ

Хом сут эмган бандга гоҳида боши деворга теккандан сўнг, атанг деб кўзи очилади. Ўзим ҳам шундай кўйга тушдим. Яширмайман, бунга йўрлигим, укувсизлигим, лақмалигим сабабчи бўлди. Дехкон фарзандимиз, ерни,

демакки, она юртимизни юракдан севадим. Аммо афсуслар бўлсинки, «Ва-ҳобий» диний оқимига мансуб кимсаларнинг таъсирига тушиб, гоҳ қалтис йўлга кириб қолганлигимни сезмабман. Кейинчалик Ватаним олдидаги гуноҳларим нақадар катта эканлигини англадим. Қалбим изтиробда, ўзимни кўрғача жой тополмабман. Шунингдек,

мени катта қилган, тарбиялаган отамнинг бошини эгиб қўйганлигини ўйласам дахшатга тушаман. Айбимга икроман, кўзим очилди. Агар Президентимиз, халқим гуноҳимдан ўтиша, бутун умримни ҳалол меҳнатга бахшида этаман.

Аъзам КАРИМОВ, Янгйўл шаҳри.

Бу ажиб дунё

ЭТИРОЗГА ЎРИН ЙЎҚ

Яқинда бутун бир мамлакат аҳолиси НУЖ мавжудлигига гувоҳ бўлишди. Соат 9-10 ўртасида Чилининг минглаб фуқаролари мамлакат осмонидан учиб юрган НУЖни кузатишди. Узоқ қиёфасини эслатувчи номатум жисм мамлакатнинг шимолий чегараларидан томон учиб ўтди. Бутун Чили ҳазелари бу ҳақда шовш билан ёзишди. Шу кун Чилининг кўплаб вилоятларида «Фиеста байрамлари ўтказилаётган эди. НУЖ осмонда пайдо бўлган пайтда бутун халқ кўчага ошдик. Чили оммавий ахборот воситаларининг хабарига қара, НУЖ олов думли узукни эслатган. Унинг катталиги эса уфоларнинг тасдиқлашича, диаметрига 500 метрлар атрофида бўлган. Бироқ, на миллий қуролини қурлар ва аэропортдаги радарлар НУЖни қайд этишга муваффақ бўлишган. Аммо гувоҳ сифатида минглаб аҳолини назарга оладиган бўлса, эътирозга ўрин қолмаганини ҳис қиламиз.

ҲИНДУЛАРНИНГ ҚАДИМ ТАРАҚҚИЁТИ

Бундан минг йил аввал Титикака кўли атрофида Ҳиндуларнинг қадимги маданияти Тиауанко гуллаб яшнаган. Бу ҳақда ҳозиргача етиб келган кўплаб афсоналар ҳам гувоҳлик беради. Ана шу афсоналарнинг бирида одамлар худонинг ҳақиқатга учрагани ва худолар кўл атрофида яшаган бу қабилани жазолашга қарор қилишди. Уларга зилзила ва очлик балоси ёпирилди. Мамлакатнинг энг асосий шахри - Тиауанко эса кўл тубига фарк бўлади. Кўплаб олимлар бу шаҳарнинг мавжудлигини афсонага йўйишганди. Маълум бўлишича улар адашишган экан. Шаҳар ҳақиқатдан ҳам мавжуд бўлган. Уни яқинда тасодифан топилди. Америкалик кинооператорлар кўлга истикомат қилаётган жониворларни суратга олаётиб, тўсатдан қадимги шаҳар харобаларига дуч келишди. Илмий экспедициялар эса шаҳарни қирғоқ яқинида эмас, кўл тубидан қидиришган. Харобалар ичида сарой, хўжалик иморатларининг вайроналари аниқ кўзга ташланарди.

Ф.ЭРГАШЕВ, Республика Санитария-эпидемиология станциясининг санитария ҳақими, тиббийёт фанлари номзоди.

Тўпловчи: А. АЛИЕВ

Экология ва саломатлик

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАДА

Экология билан боғлиқ аҳоли саломатлигини сақлаш масалалари мамлакатимизда устувор йўналиш касб этган. Маълумки, жамиятнинг умумий ривожланиш даражасини белгилайдиган мезонлардан бири оналар ва болалар саломатлигини сақлаш масаласидир. Сир эмаски, кўплаб мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистонда, хусусан, Оролбўйи ҳудудида экологик вазиятнинг кескинлашуви, энг аввало, оналар ва болаларимиз организмига ҳар хил йўлаб билан ўз салбий таъсирини кўрсатмасдан

қолмайди. Бу муаммонинг долзарблиги яна шундаки, Ўзбекистон Республикасиде оилалар сафига ҳар йили янги, ёш оилалар қўшилмоқда ва 750-800 мингга яқин бола туғилмоқда. Айниқса, қишлоқ жойларда кўп болали оилаларнинг кўпчилиги, яъни 70-72 фоиз болаларнинг қишлоқларда яшаши бу масаланинг янада муҳим аҳамиятга моликлигини билдирди. Ўзбекистон Республикаси ва халқаро ҳам-жамиятларнинг савй-ҳарақатлари туфайли оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлашда муайян ама-

лий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Аммо экологик вазиятнинг кескинлашуви билан боғлиқ «Экологик касалликлар» даражаси ҳамон юқори. Мутахассисларнинг хулосаларига қара, барча касалликларнинг 20-25 фоизи бевосита экологик вазият билан боғлиқ бўлиб, бу кўрсаткич мураккаб ҳудудларда янада кўпроқ фоизни ташкил этади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги экология ва саломатлик илмий кенгашининг 1997 йилда Оролбўйи аҳолиси оналари ва болаларига ёрдам бериш мақсадида

тасдиқлаган «Аспера дастури» асосида ўтказилган умумий тиббий текширув (унда 90-92 фоиз аҳоли қамраб олинган) 65-72 фоиз аҳоли бевосита ёки билвосита экологик вазият кескинлашуви билан боғлиқ касалликларга чалинганлигини кўрсатди. Шундан камқонлик, юрак-қон томир касалликлари, буйрак касалликлари кўпроқ учрайди. Ижтимоий-гигиеник ва тиббий тадқиқотлар атроф-муҳит ҳолати билан инсоннинг руҳий-жисмоний кўрсаткичлари ўртасида боғлиқлик борлигини далил беради.

Умуман, Ўрта Осиё минтақасидаги экологик вазият аҳоли саломатлигига жиддий даражада салбий таъсир кўрсатаётганлиги бор гап. Кейинги йилларда асаб, тери, тери ости касалликларига чалиниш, қон айланиш тизими касаллиқлари айна экологик вазиятга боғлиқ ҳолда ўсган. Она ва бола соғлигини ҳимоя қилиш олий бурчимиз. Бу борада изчил иш олиб бориляпти.

1999 йил - Аёллар йили

БАХТ ҚЎРҒОНИ

касбилик 103 ёшли Турсуной момо шукронаси


Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар, деган ибората чуқур маъно бор. Шу ёруғ дунёда бирин-кетин орзуларни рўёбга чиқариб, 100 ёшдан ошқ умр кўриш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Она қишлоғимни кезарканман, бахтимиз-суянган тоғларимиз бўлиши отахону онахонларга кўзим тушганида, қалбим яраб кетади. Уларнинг ҳам кўнглиллари чоғ. Мустақилликни мустаҳкамлашга баҳоли қудрат хисса қўшамиз, дея кўйди-пишди бўлиб юришибди.

103 ёшни қаршилаган Турсуной момо Чорие ва ҳақида яйраб гапираман. Катъиятли, синчков бу онахоннинг маҳалла-кўй ўртасида обрўси баланд. Тўю-тантаналарда албатта иштирок этади. Момо ёшларни меҳнатсевар, одамхон, азиз Ватанимизнинг чинакам фидойилари этиб тарбиялаш ишига хисса қўшаётганлигидан хурсанд. Кутлуг хондонига қадам ранжида қилсангиз, орасталки, турли мевали даракларни кўриб ҳавасингиз келади. Келинлар табарруқ инсон хурматини жойига қўйишяпти. Кўни-кўшнлар «бизга ҳам сизнинг йўлингизни, умрингизни берсин» дея ният қилишади.

Ҳамроҳим «Камолот» жамғармаси вакили Умидилло Қаршиев билан момо ҳузурда бўлди. Ҳаёти, орзу-армонлари билан қизиқдик. Таъкидлашча онахон ўз замонасининг билимдонларидан сабоқ олган, хат-савод чиқаргач, хўжаликда сидқидилдан меҳнат қилган. Бироқ, йиллар мобайнида у яшаётган катта оила қашшоқликдан чиқолмаган. Қишлоқнинг оқила қизи Турсуной ўзи каби меҳнатсевар йигит билан турмуш қурди. Улар уч нафар фарзанд кўришди. Аммо умрдоши урушда ҳалок бўлди. Иродали аёл йил 12 ой меҳнат қилиб, фарзандларини ҳеч нарсадан кам қилмай, вояга етказди. Мана эндиликда катта оила аъзоларига ҳамма-нинг ҳаваси келади. Катта ўғли Худойкул Чориев пенсионер. Ажойиб боғлар яратишга бошқош бўлмоқда. Қизи Робия ёшлар мураббийси. Кенжа ўғли Ҳайдар эса касб-хунар лицейида ўқитувчи.

— Юртбошимиз нутқларини телевизор орқали берилиб тинглайман, фикрини ифодалайди момо. Чинданам, фарзандларимиз тарбиясига алоҳида эътибор беришимиз лозим. Уларнинг қалби Ватан ишқи билан ёниши керак. Ўз юртининг қорига ярамаган ўғил ва қизлар энг бахтсиз инсонлардир. Юртбошимиз меҳрибонлиги туфайли хотин-қизларга эътибор ниҳоятда ошди. Кўни кеча Олий Мажлисимизнинг ўн тўртинчи сессиясида ҳам бу ҳақда алоҳида гап борди. Фикримча, энг доно ва мард инсонларгина аёлнинг хурматини жойига қўйишади. Шу кунларга етганимдан бошим осмонда. Илоийм, хур Ўзбекистонимизни Яратганнинг ўзи хамиша бало қазолардан асрасин.

Аҳмад МИРАКОВ.



Бунча ҳам ширинсан, фарзанд...

Билиб қўйган яхши

АЛКОГОЛЬ ЗАРАРИ

Алкоголнинг каммикдори кофеин билан бирга қабул қилинганда аёлларнинг репродуктив қобилиятига сезиларли таъсир кўрсатар экан. Шунинг учун ҳам ҳомилалар бўлиш ниятидаги аёлларга спирт ва кофе истеъмол қилмасликни маслаҳат берадик. Америка олимлари-

нинг янги текширувлари шуни кўрсатдики, 2 қадоқ спирт аёлнинг насл қолдириш қобилиятига ҳафта мобайнида таъсир қилар экан. Жонс Гопкинс докторининг жамият саломатлигини ва гигиена мактаби мутахассислари гуруҳи узоқ мuddат мобайнида ёши 23 дан 41 гача бўлган 124 та аёлни кузатди.

Уларнинг 21 фоизи чекувчилар эди. Спиртли ичимликлар қабул қилган ва кунига 1 стакан кофе ичган аёллар ичида ҳомилалардорлик 100 ҳайз циклидан ўртача 10,5 ҳомилалардорликни ташкил қилди.

Алкоголдан сақланган, 1 стакандан кам кофе ичган аёллар орасидаги кўрсаткич

бошқача бўлиб чиқди. 100 ҳайз циклида 27 ҳомилалардорлик кузатилади. Текширув натижасида алко-голга мойил аёлларда насл қолдириш қобилиятини 50 фоизга қисқарганини кўрдилар, ҳар бир қадаҳ билан бирга бу кўрсаткич ҳам орта борган. Кофеин эса, мутахассислар фикрича, аёлларнинг фертиллиқ қобилиятига камроқ таъсир қилар экан.

Р. РАСУЛОВА, шифокор.

ВИЖДОН - ҲАР ИШДА МЕЗОН

Уят — шарманда бўлиб қолишдан қўрқиб туфайли юзага келади.

Аристотель Уят ва номус бамисоли кийим-бош: қанча уринган бўлса, унга шунча бепарволик билан қараймиз.

Ибн Сино Ўз қадрини билмаган одам бошқаларнинг қадрига етмайди.

Апулей Виждоннинг қудрати улуг: айбисини ҳеч нарсадан қўрқмайдиган қилганида ҳам, айбдорин қилмиши учун муттасил таъқиб этадиган вақтларда ҳам виждон бирдек улугдир.

Цицерон Виждон минглаб кишиларнинг гувоҳлиги ўрнига ўта олади.

А.Жомий Одамлар одат тусига кириб кетган хатти-ҳаракатларидан ҳеч қачон виждон азобини тортмайди.

Квинтилиан Ҳайвонлар хунук иш қилса, ажабланиш

Вольтер Қаерда хирс ўти аланга олса, у жойда одамгарчилик ўтин ўрнида ёнади.

Бедил

«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС»

давлат уюшмаси шаҳар транспортда ишлаш учун кондукторларни ишга ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ўртача ойлик иш ҳақи 8-10 минг сўмни ташкил этади.

Меҳнат стажига қараб 25дан 50 фоизгача устама ҳақ тўланади. Трамвай ва троллейбус кондукторлари 5 йил илгари нафақага чиқиб ҳамда 25 фоизли даромад солиғи тўлаш имтиёзига эга бўладилар.

Кондуктор бўлиб ишлаш истагини билдирганлар:

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига (Амир Темура 1-тор кўчаси, 6-уй, тел: 133-03-23, 34-84-19) ва Тошкент шаҳридаги автобус ва электр транспорт корхоналари ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсати касабаси уюшмалари Федерациясининг назорат-тафтиш комиссияси раиси Р.Т.СУЛТОНОВА ўзаси

Хусан СУЛТОНОВнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

«ILM RIVOJI»

Ўқув фирмаси

«ИНГЛИЗ ТИЛИ»га ихтисослаштирилган бир йиллик ўқув курсига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Унда «Таржимонлик» мутахассислигига тайёрларлиги бўлмаган шахслар ўқитилади

Дарслар ўзбек тилида олиб борилади. Магулотлар тугагач, 3 тилда «Таржимонлик мутахассислигига эга» деб ёзилган диплом берилади.

Магулотлар 23 апрелдан соат 15.00 да бошланади.

Мурожаат учун телефонлар: 55-24-99, 54-39-72.

Манзил: Тошкент шаҳар, «Халқлар дўстлиги» шоҳкўчаси, 44-уй, 9-қават.

Мўлжал: М.Улугбек метроси бекатидан учинчи 9 қаватли бино, «Меҳнат резервлари» спорт мажмуаси қарши-сида.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Марказий қўмитаси раёсати Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи Равшан Тулаганович СУЛТОНОВА ўзаси

Хусан СУЛТОНОВнинг бевақт вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Advertisement for 'Ишонч' newspaper, featuring a pencil icon and contact information for the editor Mirg'ies Kayumov.

Advertisement for 'Ишонч' newspaper, mentioning the start of the 1999 year and the date of publication (March 21).

Advertisement for 'Ишонч' newspaper, providing contact information for the editor Mirg'ies Kayumov and the newspaper's address.

Advertisement for 'Ишонч' newspaper, mentioning the start of the 1999 year and the date of publication (March 21).

Advertisement for 'Ишонч' newspaper, mentioning the start of the 1999 year and the date of publication (March 21).